

ПЕДАГОГИК МУОМАЛА ВА МУЛОҚОТ

РЕЖА:

- 1. Мулоқот - кишининг ички ва ташқи оламини намоён этувчи ўзаро муносабатларнинг муҳим шаклидир.**
- 2. Оиладаги яқинлар билан бўладиган мулоқотнинг мазмуни.**
- 3. Кишиларнинг кундалик ҳаёти давомида яъни меҳнат қилиш, таҳсил олиш ва бошқа жамоат ишларини бажаришдаги муомла ва мулоқоти.**

Таянч сўзлар:

- ▶ Муомила ва мuloқотда ширин тил инсон кўрки.
Муомила маданияти, Яқинлар орасидаги муомила,
мehнат жараёнидаги муомила ва мuloқот. Муомала
одоби - инсон кўрки, инсонга бўлган самимий
мехр-мурувват мезонидир.

Фойдаланадиган адабиётлар:

- ▶ 1.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008 й.
- ▶ 2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент, Шарқ, 1999 й.
- ▶ 3.Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Конун. Тошкент. 1997 й, 29-август.
- ▶ 4.Худойқулов X.Ж. Педагогика ва Психология. Тошкент, Дзайн-Пресс, 2011 й.
- ▶ 5.Худойқулов X.Ж. Муомила ва мулокот одобини шакллантиришда ота-она ва ўқитувчининг масъуллиги. Тошкент.ТИЙМИ.2008 й.

Мулокот – педагогик тарбия воситаси сифатида

► Мулокот (арабча сўз бўлиб-учрашиш, кўришиш, қабул қилиш- маъносини англатади) ва инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва фикр алмашув шаклининг бир тури.

Мулокот зарурий эхтиёждир



- ▶ Мулокот-кишиларнинг хамкор-ликдаги фаолияти эхтиёжлари асосида туғиладиган улар ўртасидаги алоқа ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир.
- ▶ Мулокот-шахснинг доимо инсонлар даврасида, улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлишишининг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан биридир.

1. Мулоқот - кишининг ички ва ташқи оламини намоён этувчи ўзаро муносабатларнинг муҳим шаклидир.

Мулоқот жараёнида киши ўзининг ташқи олам, жамиятнинг турмуш тарзи, унинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаёти ҳақидаги қарашлари, тасаввури ва ҳиссиётини ифодалайди.



Мулокотнинг асосий вазифалари

Хар қандай мулокотнинг элементар вазифаси- сухбатдошларнинг ўзаро бир-бирини тушунишини таъминлаш.

Унинг яна бир мухим вазифаси ижтимоий тарбияга асос солиши

Одамларни у ёки бу фаолиятга ҳозирлаш ва руҳлантириш

МУЛОҚОТ ВА МУОМАЛА ТУРЛАРИ

Жамиятдаги муомала

Жамият аъзоларининг ўзаро ижтимоий муносабатлари, турмуш шароитлари ўзгариши билан уларнинг моддий олам ҳақидаги тассаввури, тушунчалари, дунёқараашлари, одоб ва ахлоқ нормалари ҳам ўзгаради.

Кишилар ўртасидаги муомала

Кишилик жамияти пайдо бўлиши билан одамлар ўртасида мулоқотга ҳам эҳтиёж сезилди. Жамият аъзоларининг бир-бирлари билан ўзаро мулоқотлари шу жамиятнинг ҳар томонлама тараққиётига замин бўлди.

Оиладаги муомала

Хар бир тарихий даврнинг ўзига хос муомала одоби, қонун-қоида нормалари мавжуд бўлганидек, эркаклар ва аёллар, ота-оналар ва фарзандлар, йигит ва қизлар ўртасидаги мулоқотга ҳам эҳтиёж пайдо бўлди.

Мулокот орқали кишилар қуидаги холатда бўладилар

Мулокотда бўлади

Психологик таъсир
этадилар

Ахборот
алмашадилар

Ҳаракатга чорлаш

Ўз фикирларини
баён этадилар



1-гурух. Мулокотда
бўлиш

2-гурух. Психологик
таъсир этиш
(Кластер)

3-гурух. Ахборот
алмасиши (Қандай)

4-гурух.
Харакатга чорлаш
(ФСМУ)

5-гурух. Ўз
фикирларини баён
етиш(ЭССЕ)

Бизнинг жамиятимиз аъзолари ўртасида қандай мулокот турлари мавжуд?

Улар жамиятимизнинг кичик ячейкаси ҳисобланган оиладаги ота-она, катта кишиларнинг ўзаро мулокотлари, ота-она ва фарзандларнинг, киз болалар ва ўғил болаларнинг, оила аъзоларининг, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар, дўсти-ўртоқлар билан мулокоти, ўқиш жараёнида жамоат жойларида турли, тўй тантаналарда, маданий ҳордик чиқариш масканларида, транспортда кишиларнинг ўзаро мулокотидан иборат.





ЖАМОАДАГИ МУЛОҚОТ НАМУНАЛАРИ



Ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳадислардан бирида
“Хамма ишларингизда тўғри бўлинг,
одамларга муомалада хулқингиз чиройли
бўлсин”, - дейилиб, барча тоифадаги
одамлар хушхулқ самимий, тўғри бўлишга
даъват этилади.

Ота-она, опа-сингил, дўст,
устозлар, қариндош-уруғлар ва
бошқалар билан мулокот
қилишнинг дебочаси -
саломлашиб бўлингач, улар
 билан ҳақиқий мулокот
бошланади.

Имом Ғаззолий айтганидек:
“Ўзингга нисбатан
кичиклардан қандай
муомалани кутсанг, уларга
нисбатан ҳам ҳудди шундай
муомалада бўлгин”.

2. Оиладаги яқинлар билан бўладиган мулоқотнинг мазмуни.

Оилада бўладиган мулоқотнинг софлиги, мазмундорлиги, оиладаги болаларнинг хулқ-авторига, маънавий камолотига таъсирини кучайтириш кўп ҳолда ота-она ўртасидаги ва уларнинг болалар билан бўладиган ўзаро мулоқотига боғликдир. Оиладаги ўзаро мулоқот бу ҳаётий эҳтиёж, болани ижтимоий ва маданий ҳаётга тайёрлашнинг асосидир. Ота-онанинг оиладаги моддий, ташкилий, тарбиявий ва ўзаро шахсий масалалар юзасидан бир-бири билан бўладиган муносабатлари соф, самимий эрнинг хотинга, хотиннинг эрга ўзаро ҳурмати асосига қурилсагина, бундай оилада мусаффо маънавий муҳит вужудга келади.



Ота-онанинг бир-бири билан “адажониси” ёки “оийжониси” деб мурожаат этишлари, “раҳмат”, “марҳамат”, бирон жойга борилаётганида “яхши бориб келинг” ёки “бехатар бориб келинг”, “яхши келдингизми?” каби сўзларни ишлатишлари шу оила аъзоларининг барча ўртасидаги муомалани тўғри йўлга қўяди, фарзандларнинг ота-онага нисбатан хурматини, меҳр-муҳаббатини оширади, ота-она улар учун идеал бўлиб қолишларига ёрдамлашади.

Айниқса, ота-она муносабатидаги сабрлилик оиласвий юмушларни ўйлаб, ақл-заковат билан биргаликда маслаҳатли ҳал этиши, уларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, фарзандларига бир хилда муомалада бўлиши, ҳар иккала томоннинг қариндош-уругларига, қўни-қўшниларга бир хилда меҳр-муҳаббат, хурмат билан қарashi, бир сўзлиги, ҳақиқатни гапириши каби ижобий фазилатларга эга бўлиши, шунингдек, ичиш, чекиш, ёлғончилик, майший бузуклик, димоғдорлик, манманлик ва бошқа шу каби иллатлардан ҳоли бўлиши оилада муомала одобининг соғлигини таъминловчи хусусиятлардир.

Бола оиладаги ота-она, буви ва боболарнинг ўзаро муносабатларидаи андоза олишга ҳаракат қиласи.

Киз она билан, ўғил ота билан шахсий масалаларда маслаҳатлашишни эсдан чиқармаслиги, онага ҳам, отага ҳам тўғри келмайдиган гапларни айтишни одат қилмаслиги керак.

Оилада катталар билан бирон юмуш ҳақида маслаҳатлашмоқчи бўлса, уларнинг кайфиятига, вактига қараб айтиладиган фикрини ўйлаб, уларни ранжитмайдиган қилиб гапиришга ҳаракат қилиш лозим.

Ота-она ва фарзандлар ҳамда оилани бошқа аъзолари ўртасидаги муроқотни йўлга солиб турувчи восита ширин тилдир.



Қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар,
дўсту-ўртоқлар билан мулоқот табассум
билин, такаллуф билан бошланса, икки
ўртада дилхушлик ҳукмрон бўлади.

Ширин, тўғри сўз, маъноли суҳбат дўстни
ҳам, қариндош-уруғни ҳам, қўшнилар,
таниш-билишларни сиз билан яна
суҳбатлашишга бошлайди.



3. Кишиларнинг кундалик ҳаёти давомида яъни меҳнат қилиш, таҳсил олиш ва бошқа жамоат ишларини бажаришдаги муомла ва мулокоти.

Киши кундалик ҳаётининг асосий қисми меҳнат қилиш, таҳсил олиш ва бошқа жамоат ишларини бажариш билан ўтади. У касбдошлари, тенгдошлари, раҳбарлари, ташкилотчилари билан мулокотда меҳнат қиласиди, таҳсил олади. Оиласа хурсандчилик билан қайтиш, узок үмр кўриш гарови раҳбар ва ишчи касбдошлар, тенгдошларнинг дилхушлик билан ўзаро мулокоти ҳисобланади. Раҳбарнинг манманлиги, қўпол муомаласи, ўзини билимдон, бой-бадавлатдек баланд тутиши, қўл остидагиларни назарга илмаслиги бутун жамоанинг асабига салбий таъсир этади. Носоғлом муҳитни вужудга келтиради, бундай муҳитда ишлаш ёки ўқиш киши саломатлигига, ҳатто, оиласининг маънавий соғломлигига ҳам птур етказади.

Жамоат жойларида, умумий транспортларда турли характердаги оммавий тантаналарда гўзал хулкли, гўзал сўзли бўлиш, сўзлашиш маданиятига риоя этиш кишининг иззат-обрўсини оширади, халқнинг эътиборига, таҳсинига сазовор этади. Совуқ сўз сўзлама... Кўп билу, оз сўзла: кам билсанг, кўп сўзлама, чунки ақлли киши кўп сўзламайди деганларки, жим ўтириш саломатлик гаровидир.

Мулокотда ҳам сухбатнинг сўзларини охиригача сабр билан тинглаш ҳам санъатдир. Сабрсизлик билан ўзининг турли фикрларини, нуқтаи назарини айтиб, сухбатдошларни чалғитиш маданиятсизлик белгиси ҳисобланади.

Жамоат жойларида, тўй тантаналари оммавий ҳордиқ чиқариш жойларида нотаниш кишилар билан эҳтиёт бўлиб, ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш зарур.

Бундай жойларда пайдар-пай, ноахлоқий ҳарактердаги гапларни гапириш атрофдагиларни ғазабини келтиради, улар учун ҳурмат-сизлик ҳисобланади. Атрофдагиларнинг суҳбатларини яширинча тинглашга интилиш энг ёмон иллат бўлиб, гап ўғрисига айланиб қолиш ҳисобланади.

Ёш жихатидан катта кишиларнинг сўзларига қулоқ тутмоқ уларнинг фикрлари нотўғри, ноўрин бўлган такдирда сукут сақлаб, дикқат билан эшитмоқ фарзи айнdir. Суҳбатдош сўзларни тугатгач, у ҳақидаги фикрлар сўнг баён этилади.

Муомала одоби - инсон кўрки, инсонга бўлган самимий меҳр-муруват мезонидир. Бу мезонга изчил амал қилиш одамларни бир-бирига яқинлаштиради, ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Шу боис, мамлакатимизда балки бошқаларга нисбатан чин хайриҳоҳлик асосида, самимий, беминнат ва беғараз амалга оширилиши лозим. Бу эса муомала одобининг муҳим талабларидан биридир. Хушмуомалалик, хушфеъллик ва меҳр-муруватли бўлиш барчамиз учун, айникса, раҳбарлик лавозимида ишлаётганлар учун ниҳоятда зарур.



Ўзбекона муомала одоби, айниқса, хотин- қизларга нисбатан ҳар қандай вазиятда ҳам қўпол муносабатда бўлмасликни, аксинча, ўта илтифотли бў-лишни, эъзозлашни тақозо этади. Шу боис, Расули Икром:

“Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингизни тавсия этади, чунки улар қизларингиз, жуфти ҳалолларингиз, опа-сингилларингиздир”, деб таълим берганлар.

Шуни ҳам унумаслик керакки, қандайдир бойликка эга бўлиш, юксак ла-возим, ҳатто, кексалик ёҳуд кайфиятнинг бузуқлиги ҳам атрофдагилар билан қўпол муомалада бўлиш ҳуқуқини бермайди. Чунки дил жароҳатини ҳеч бир малҳам, дори тузата олмайди. Демак, аллома Абу Али ибн Сино айтгандек, “инсон ҳар доим навқирон, бардам бўлиши учун бошқа одамларни ранжит-маслиги, дилини вайрон қилмаслиги ҳамда ўзи хуштабиатли бўлмоғи лозим”.

Таъмагирлик, очкўзлик билан мол-дунё тўплаш бизнинг ота-боболаримиз қоралаган иллатdir. Ҳадисларда тарғиб этиладиган одоб моҳияти ўз ҳиссиётини, ҳирси ва нафсини тийиш, ҳар ишда исрофгарчилликка йўл қўймаслик каби кўплаб ажойиб одатлар ҳар бир ўқувчи бола онгига тезроқ кириб борса, маънавиятимиз шунча тезроқ тикланади, ҳаётимиздаги ўзгаришлар кўзга тезроқ ташлана бошлайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек халқи мулоқотида ҳам, бошқа миллатлар каби, мақтов ҳамда мақтовга оид сўз иборалар жуда кўп учрайди. Уларни ўрганиш ва тахлил қилиш мулоқотнинг умумисоний ва миллий белги ҳамда хусусиятларини аниклаш имкониятини беради.

Талабанинг жамоадаги муомила ва мулоқот бурчлари:

- ▶ 1.Барча талаба ота-она ва жамият олдидаги бурчларини билган ҳолда,бошқаларга нисбатан ҳам амал қилиши лозим;
- ▶ 2.Барча фанларни ўзлаштириш учун зарур бўлган имкониятлардан тўла фойдаланишда маданиятли бўлиш;
- ▶ 3.Ўқув куроллари, дарслик ва дарсда қўлланиладиган жиҳозларни асраб авайлаш, уни халқ мулки эканлигини тушунган ҳолда муомила қилиши;

- ▶ 4.Хар бир талаба ўқув юртига хос бўлган қатъий формада бўлиши ва маданиятли кишилардек кийиниши муомила қилиши шарт;
- ▶ 5.Ўзлаштиришда кўз бўямачилик, кўчирмачилик ва ўз-ўзини алдашга йўл қўймаслик керак;
- ▶ 6.Хар қандай вазиятда ҳам тўғри сўз, адолатли, ўзаро муносабатларда маданиятли бўлиш лозим;
- ▶ 7.Хар қандай дарсда ўзгалар фикрига ҳалал бермаслик, уларни сабр билан тинглашни ўрганиш маданият белгисидир;
- ▶ 8.Савол берганда аниқ, тушунарли ва асосланган, исботланган илмий жараёнга қаратилган дунёвий ва диний саволлар бўлиши мақсадга мувофиқдир;

- ▶ 9. Тарбия масканидан ташқарида, жамоа жойларида хам талаба ўз ўқув юртига доғ туширмасдан, у билан фахрланишини мулокот маданиятида кўрсатиши лозим;
- ▶ 10. Жойи келганда талаба, ўртоқлари ва бошқалар хатосини ётиғи билан, имкон даражасида ўзи билан алохида сухбатлашиб, ҳаёт тажрибаси ва ёши инобатга олиниб муомила қилинса мақсадга мувофиқ бўлади;
- ▶ 11. Қалбидан яхши жой олган, устозлик меҳрини қозонган ўқитувчиларни ,энг аввало ота-онасини имкон даражасида вакт топиб, бир оғиз ширин сўзлар билан, қўнғироқ қилиб табриклаб турса ~~шунинг~~ ўзи хушмуомилалик белгисидир.

- ▶ 9. Тарбия масканидан ташқарида, жамоа жойларида хам талаба ўз ўқув юртига доғ туширмасдан, у билан фахрланишини мулокот маданиятида кўрсатиши лозим;
- ▶ 10. Жойи келганда талаба, ўртоқлари ва бошқалар хатосини ётиғи билан, имкон даражасида ўзи билан алохида сухбатлашиб, ҳаёт тажрибаси ва ёши инобатга олиниб муомила қилинса мақсадга мувофиқ бўлади;
- ▶ 11. Қалбидан яхши жой олган, устозлик меҳрини қозонган ўқитувчиларни ,энг аввало ота-онасини имкон даражасида вакт топиб, бир оғиз ширин сўзлар билан, қўнғироқ қилиб табриклаб турса ~~шунинг~~ ўзи хушмуомилалик белгисидир.

- ▶ 12.Агар талаба шартнома асосида ўқиёттган бўлса, шартнома тўловларини ўз вактида тўлаш ва иқтисодий тарбия кўникмаларини ўзида шакллантиришда чиройли муроқот маданиятини кўрсатиш лозим.
- ▶ 13. Ҳеч қандай ота-оналар ёки яқин қариндошлар мурувати билан олинган нарсалар ёки ўзи меҳнат килиб топмаган пуллар билан ўртоқлари орасида талаба ўзини кўрсатмасин, бу маданиятсизликдир.
- ▶ 14.Агар ҳурмат тахтасида расмлари, олимпиядаларда ғолибликни қўлга киритса, конкурс ва спорт мусобоқаларида олдинги ўринларда бўлса, бу билан ҳеч қандай ўзгартиришни сохталаштириш имконини талаб қилмаслик ва манманликка йўл қўймаслик лозим.

**ЭТЬИБОРИНГИЗ
УЧУН РАҲМАТ**